



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 6 август, жума № 107 (754)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВга

Хурматли Ислом Абдуғаниевич!

Сизга ушбу мактубни йўлловчилар Хоразм вилояти, Урганч тумани, Ғойбу қишлоғида истиқомат қилиб келаётган туркман миллатига мансуб фуқароларингиз.

Истиклолимизнинг 8 йиллик байрами арафаси олдида бизлар зўр мамнуният билан Сизга ўз турмушимиздан бир нечагина лавҳани айтиб ўтмоқчимиз:

Бизлар Урганч туманидаги Ғойбу қишлоғида 220 оила, 2000 дан ортиқ туркман миллатига мансуб аҳолини ташкил этамиз.

Истиклолдан олдин бизнинг тилимиз йўқ бўлиш арафасида эди. Худого шукур, мустақилликка эришгандан сўнг яна ўз тилимизга эга бўлдик.

Буларнинг ҳаммасини Сизнинг хизматингиз деб биламиз ва Сизга чуқур миннатдорлик билдираемиз.

Биз ўзбек ога-иниларимиз билан аҳил яшаб келмоқдамиз.

Хозирги вақтда бизларнинг туркман тилида ўқитиладиган мактабимиз бор. Уйларимизга табиий газ ўтган, тоза ичимлик сув билан таъминланганмиз. Кўчаларимиз, уйларимиз шаҳарликларниқидан сира ҳам қолишмайди. Ўзларимизнинг бозоримиз, хизмат кўрсатиш комплексимиз куриб битказилмоқда. Янгидан врачлик амбулатория пункти, кундузги шифохонаси билан бирга қуриб битказилди.

Буюк боболаримиз Алишер Навоий ва Махтумқули Ҳайкаллари боғимизнинг кўркам кўрк турбиди.

Бизнинг фарзандларимиз ҳам вилоятнинг турли бурчларида юқори лавозимларда ишлаб келмоқда.

Қишлоғимизнинг тўрт нафар фуқароси муқаддас Ҳаж сафарига бориб келди. Бизнинг С.Қаландаров жамоа ҳўжалиги худудида 22 минг аҳоли яшаб келмоқда. Шу жамоа ҳўжалик бошқаруви раиси ҳам туркман миллатига мансуб.

Маҳалламиз бир томондан Хива тумани билан, бир томони Ғойбу қишлоғи билан чегарадош. Иккала худудга ҳам қиз олиб, қиз бериб қавм-қариндош, қуданда бўлиб кетганмиз.

Қайси жойга борсак ҳам меҳмонхонанинг тўри бизники. Бундай сийловлар Ватанимиз мустақиллиги шарофатидан деб биламиз. Сиз, азиз Ислом Абдуғаниевичнинг марҳаматингиз ва чексиз эътиборингиздан деб биламиз. Бутун ўзбекистонлик туркманлар номидан Сизга ўз миннатдорлигимизни билдираемиз. Сизга узоқ умр, бахт-саодат тилаймиз. Бахтимизга ҳамиша соғ-омон бўлинг.

Ўрозбой МАТМУРОТОВ - меҳнат фахрийси,

Рейимбой АННАПАСОВ - маҳалла фуқаролар йиғини раиси,

Курвонгул ДУРДИЕВА - хотин-қизлар кўмитаси раиси.

Ўзбекистон Қаҳрамонлари

Инсон умрини оқар сувга ўхшатишади. Бунда умрнинг тезкорлиги, кўз очиб юмгунча ўтиб кетишини назарда тутишган, шекилли. Сувнинг ҳаёт манбаи эканлиги, унинг тирикликка хизмат қилишини ҳам эътиборга олсак, инсон умри чиндан ҳам сувга ўхшайди. Фақатгина бу умр бесамар кетмаслиги, ундан атрофдагиларга эзгулик ва яхшилик келиши лозим.

БАХТИМИЗ БОҚИЙ БЎЛСИН!

Яратганга шукурки, ёшим элликдан ошган бўлса, шундан салкам 40 йил пахтазору галлазорлар оралаб ўтди. Гарчанд, ўрта мактабни аъло баҳоларга тугатган бўлсам-да, ўз ихтиёри билан қишлоққа қолдим. Нафсиламбрини айтганда, далада туғилиб, далада камолга етган ота-онаминг мени катта шаҳарларга ўқишга юборишга қурби ҳам етмасди.

Тўғриси, ҳаётимдан нолишга ҳаққим йўқ. Аммо, салкам қирқ йил қишлоқ ҳўжалик экинларини экиб, туну кун парваришлаб, хирмон-хирмон ҳосил олганда ҳам ўзимизни эркин ҳис қила олмаганимиз алам қилади. Нафақат ўзимиз, балки деҳқончилик қиладиган еримиз ҳам мустақил эмас эди-да!

Эсингизда бўлса, иқтидорли ўзбек шоири Ҳамид Олимжоннинг 30-йиллар шеърятинида ўзига хос воқеа саналган «Бахтлар водийси» шеърини «Мустақиллик ишқи билан ёнган далалар» деган мисра бор эди. Ҳар бир сўздан маъно ёғилиб турган семимли шоиримизнинг бу сатрлари бежиз айтилмаган бўлса керак. Ахир биз етмиш йил давомида на ерининг ҳолатига, на экиннинг таъбиғи ва на-да, жой хусусиятига қарамасдан, фақат «юқори»нинг истиғи ва талаби билангина деҳқончилик қилардик.

Оллоҳга беадад шукурлар бўлсинки, эзилган меҳнаткашлар истиғи ижобат бўлиб мустақиллик яловини баланд кўтардик. Эгилган бошимиз узра истиқлол кўёши нур сочди. Энди эмин-эркин ишлашга, кўнгилдагидек деҳқончилик билан шуғулланишга имкон туғилди.

Мен ер билан тиллашини бу-



гун ё кеча бошлаганим йўқ. Боя айтганимдек, салкам қирқ йилдан буён ерга барака уругини сочман, ризқу насиба тераман. 21 йилдирки, Марҳамат туманидаги Умурзоқ Қорабоев номидаги жамоа ҳўжалигининг 10-бригадасига етакчилик қиламан. Жамоа ҳўжалигининг экин экиладиган умумий майдони 1571 гектар бўлиб, шундан 887 гектари пахтазор ва 560 гектари бугдойзордир.

Бизнинг бригада тасарруфидаги юз гектардан ортиқроқ ернинг аксарият қисми Қирғизистон Республикаси билан чегарадош бўлган Жанубий Фарғона канали бўйларида жойлашган. Шунинг учун ҳам унинг ўзига хос жиҳатлари бор. Ерининг қалбига қулоқ тутган одамгина пировард-натихада мўл-кўл ҳосил кўтариши, юзи ёруғ бўлиши мумкин. Аксинча, ер билан тиллашма-

ган, унинг дардидан беҳабар одамнинг эса ҳолига вой. Кўп йиллик тажрибалар шуни кўрсатдики, ерга меҳр билан ишлов берган, уни тўйинтириб озикланган деҳқон ҳеч қачон ютқизмас экан.

Мисол учун, бригадамиз аъзолари ўтган йили 50 гектар ерга бугдой экишди, 56 гектарда эса Ғўза ниҳолларининг бир текисда униб чиқишига эришдик. Йил бўйи сидқидилдан қилинган меҳнатимиз натижаси ўлароқ, бугдойдан режадаги 56,6 центнер ўрнига 84 центнердан, пахтадан эса 29,9 центнер ўрнига 43 центнердан ҳосил кўтариб, 241 тонна пахта ва 420 тонна галла хирмони уйдик.

Мени хурсанд қилган нарсасуки, буларнинг ҳаммаси истиқлол берган имкон туфайли амалга ошди. Йўқса, танангизга бир ўйлаб кўринг, умри далада ўтган, меҳнатдан бошқасини билмаган Бусора ҳамда Аламат ҳўжалирининг мендек оддий деҳқон фарзанди камтарона меҳнати учун ҳуқуматимиз томонидан шундай юксак унвон билан тақдирланиб, «Олтин Юлдуз» медалига сазовор бўлармидим! Йўқса, етти авлоди деҳқончилик билан шуғулланган, аммо ўз эрки, ўз фикри билан ҳаракат қила олмаган мендек бир меҳнаткашнинг боласи, унинг фарзандлари фермерлик қила алармиди?!

Назаримда, мустақиллик насимидан баҳраманд далаларимиз ҳам истиқлол нашидасини сураётгандек. Илоҳо, боболаримизнинг муқаддас хоҳига айланган бу она тупроқ, бизни едиргувчи, кийдиргувчи табаррук замин абадул-абад ҳур бўлсин! Шу замин узра келажақ сари дадил одимлаётган юртдошларим бошида ҳамиша мустақиллик ялови ҳўлираб турсин! Бизни озодлик ва эркинлик сари бошлаган, тўфонлардан омон-эсон олиб ўтган, бахтга ошно этган муҳтарам Президентимизнинг бошлари омон бўлсин!

Атахон АЛАМАТОВ, Марҳамат туманидаги У.Қорабоев номи жамоа ҳўжалигининг бригада бошлиғи.

Жўшқин ҳаёт нафаси 200 КИШИГА ИШ ЎРНИ

Челак туманидаги «Ўзбекистон» ширкат ҳўжалиги меҳнат аҳли ҳам байрам тантаналарини муносиб меҳнат совгалари билан қаршиламोқда. Ҳўжалик бу йил биргина галлачиликдан қарийб 7 миллион сўм соф фойда кўрди.

Ишловчиларга 80 тонна бугдой, 1,2 тонна пахта ёғи, 0,5 тонна шрот натуро шаклида берилган бўлса, 105 тонна бугдой, 1 тонна пахта ёғи, 1 тонна шрот ижтимоий химомасқадидан ночор оилаларга тарқатилди.

Ғамхўрликдан уруш қатнашчилари, ногиронлар

ҳам тўлиқ баҳраманд бўлишди. Натижада яқинда уларга 63 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Ҳўжалик худудидаги мактаблар, қишлоқ врачлик амбулаторияси, фельдшерлик-чируилик пункти, спорт иншоотлари ҳўжалик ҳисобидан таъмирланмоқда.

Яқинда иш бошлаган «Болтимир - Челак» кўшма корхонаси билан ширкат ўртасида 600 тонна помидор топшириш бўйича шартнома тузилган эди. 200 киши иш ўрнига эга бўлди.

Зарафшон касб-ҳунар коллежи

Зарафшон шаҳри истиқлол йилларида янада гўзаллашди. Кўпқаватли бинолар, маъмурий ва сановат иншоотлари шаҳар чиройига-чирой қўшди. Айни вақтда бу ерда 600 ўқувчига мўлжалланган касб-ҳунар коллежи куриб битказилмоқда. Унинг 250 ўринли ётоқхонаси биносидан ҳам сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Янги йил маскани мустақил байрам арафасида фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, Навоий, Кармана шаҳарлари ва Кони-мех туманида ҳам касб-ҳунар коллежлари қурилиши ниҳоясига етказилмоқда.

«Ишонч» ва ЎЗА мухбирлари



ҲАЁТ ЗАВҚИ

Энг бебаҳо неъмат - мустақиллик халқимиз қадр-қимматини ўрнига қўйди. Одамлар қалбига миллий гурур жўшурди. Улар ўз ҳаётлари, ўз меҳнатлари самарасидан мамнун бўлиб, кун сайин унумли, баракали меҳнат қилмоқдалар. Бу хорлиқ қўли гул уста Азимжон Хайитов ҳам ўзини бахтли инсонлардан бири деб билади. Боиси, фахримиз, гуруримиз бўлмиш тарихий обидаларни қайта таъмирлаб, уларга кўрк бағишламоқда.

Шаҳрихонлик ижарачи Шохида Деҳқонов ҳам истиқлол шарофати билан юксак қадр топган аёллардан. У меҳнат қиладиган боғлар болга тўлди. Уста соҳибкор оила аъзолари билан эл дастурхонига 150 тонна сифатли мева етказиб беришга аҳд қилган.

Т.ҲАМРОКУЛОВ олган суратлар.

Самимий учрашувлар

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э.Халилов бошчилигидаги бир гуруҳ парламент аъзолари Бухоро вилоятида бўлиб, замонавий «Кўксарой» нововойхонаси, «Бухоро-ройўлгант» заводи, маданий-маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, Бухоро туманидаги «Маданият» ҳўжалигида учрашувлар ўтказдилар. Меҳнат жамоалари ва деҳқонлар билан бўлган самимий мулоқотлар чоғида Президентимиз Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган маърузасида ижтимоий-иқтисодий тараққийоти янада жадаллаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш борасида ўртага қўйган вазифалар, Олий Мажлис бўлажак ўн бешинчи сессияси кун тартибига киритиладиган масалалар хусусида гап борди.

ШОИРАННИНГ ҚУВОНЧИ

Вилоят касаба уюшмалари кенгаши раёсатининг қарори билан ўтказилган «Ўзбекистон кўшик байрами» кўрик танловида кўплаб истеъодлар қатнашдилар. У санъат оламига янги-янги номларни олиб келганлиги билан қимматлидир.

Жамиятимизда миллий мафкура ни шакллантириш, ёшларни бой маданий мерос, тарихий анъаналар асосида умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, касаба уюшмалари тизимидаги маданий-оқартув муассасаларининг фаолиятини ривожлантириш, вилоят меҳнаткашларини адабиёт, санъат ва бадий ҳаваскорликка кенг жалб этишга хизмат қилувчи бу тад-

бир кўплаб мухлислар хотирасида мухрланиб қолди.

Мазкур танловда вилоят касаба уюшмалари кенгашининг тавсияномасига кўра, Бухоро шаҳридаги 35-мактаб ўқитувчиси Шоира Шарипова ҳам иштирок этди. Унинг ижросидаги 16-феврал воқеалари талқинига бағишланган «Фидокорлар кўшиғи» (Фарида Афруз мусиқаси) ҳайъат аъзолари ва тўпланган мухлислар диққатини ўзига тортди. Шоира танлов ғолиблари сафидан жой олди. Шу кунларда хонанда янги кўшиқлар гулдастасини мухлисларга ҳавола этиш иштиёқида изланаётди. У бир дунё таассуротлар оғушида байрам репертуарини бойитмоқда.

Буюк Британия мудофаа вазири Жорж Робертсон НАТОнинг янги Бош қотиби лавозимига тайинланди. Шимолий Атлантика альянси кенгаши бу ҳақда қарор қабул қилди, бироқ у қачон ушбу лавозимни бажаришга киришиши ҳали аниқ эмас.

Маълумки, ҳозирги Бош қотиб Хавьер Солана Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг ион ойда Германиянинг Кёлен шаҳрида ўтган навбатдаги саммитида ЕИнинг ташқи сиёсат ва хавфсизлик бўйича олий

вакиллиги лавозимига тасдиқланган эди.

Ж.Робертсонни ушбу лавозимга тайинлаш ҳақида гаплар чиққанига кўп бўлгани йўқ. Утган ҳафтада Сараевода ўтказилган саммитда Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр ай-

нан шу масала юзасидан АҚШ, Германия, Франция, Испания ҳамда Италия раҳбарлари билан гаплашиб, уларнинг розилигини олган эди. Шундан сўнг НАТОга аъзо бошқа мамлакатлар раҳбарлари билан ҳам ушбу масала бўйича маслаҳат ўтказилди. Шундай қилиб, асли келиб чиқиши шотландиялик бўлган 53 ёшли Ж.Робертсоннинг НАТО Президентини Билл Клинтон альянс кенгаши қарорини маъқуллаб, НАТО

келаси асрда ўзига хос ва мос раҳбарга эга бўлганини эътироф этди. Германия канцлери Герхард Шрёдер ва мудофаа вазири Йошка Фишер эса янги Бош қотибга ишонч билдириб, унга табрик мактуби йўлади. Шунингдек, Ж.Робертсоннинг ушбу лавозимга муносиблигини бошқа мамлакатлар раҳбарлари ҳам эътироф этди.

Янги лавозимга тайинланганини эшитиб, Ж.Робертсон Лондонда матбуот анжумани ўтказди. Косовода қафолатланган тинчлик ва барқарорликни қарор топтириш ҳамда альянс сафини Шарқий Европа мамлакатлари ҳисобига кенгайтириш НАТОнинг XXI арсадаги энг муҳим вазифалари ҳисобланади, деди у анжуманда.

Равшан МАХМУДОВ, ЎЗА шарҳловчиси.

БИЛИМ - КАМОЛАТГА ЕТАКЛАЙДИ

Кўни-кеча Тошкент Давлат жаҳон тиллари университетига «Президентимиз Ислом Каримов асарларини ким яхши билади?» мавзусида танлов ўтказилди. У талабалар томонидан ижро этилган давлатимиз гимни билан бошланди. Талабалар саволларга инглиз тилида жавоб бердилар. Уларнинг мусобақага пухта тайёргарлик кўрганликлари яққол сезилиб турди.

Ёшлар орасидан ҳайъат аъзолари I, II, III ўринларга муносибларини танлаб олдилар. Ғолиблар қимматбахо совгалар билан тақдирландилар. Бошқа иштирокчилар эса рағбатлантирувчи мукофотларга эришдилар.

Президентимиз Ислом Каримовнинг инглиз тилида чоп этилган асарларининг талабаларга тақдим этилиши эса улар учун энг қутилмаган ва аjoyиб мукофот бўлди.

Д.ХУҲАЕВА.

Тезкор шарҳ

ЖОРЖ РОБЕРТСОН - НАТОНИНГ ЯНГИ РАҲБАРИ

Буюк Британия мудофаа вазири Жорж Робертсон НАТОнинг янги Бош қотиби лавозимига тайинланди. Шимолий Атлантика альянси кенгаши бу ҳақда қарор қабул қилди, бироқ у қачон ушбу лавозимни бажаришга киришиши ҳали аниқ эмас.

Маълумки, ҳозирги Бош қотиб Хавьер Солана Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг ион ойда Германиянинг Кёлен шаҳрида ўтган навбатдаги саммитида ЕИнинг ташқи сиёсат ва хавфсизлик бўйича олий

вакиллиги лавозимига тасдиқланган эди. Ж.Робертсонни ушбу лавозимга тайинлаш ҳақида гаплар чиққанига кўп бўлгани йўқ. Утган ҳафтада Сараевода ўтказилган саммитда Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр ай-

нан шу масала юзасидан АҚШ, Германия, Франция, Испания ҳамда Италия раҳбарлари билан гаплашиб, уларнинг розилигини олган эди. Шундан сўнг НАТОга аъзо бошқа мамлакатлар раҳбарлари билан ҳам ушбу масала бўйича маслаҳат ўтказилди. Шундай қилиб, асли келиб чиқиши шотландиялик бўлган 53 ёшли Ж.Робертсоннинг НАТО Президентини Билл Клинтон альянс кенгаши қарорини маъқуллаб, НАТО

келаси асрда ўзига хос ва мос раҳбарга эга бўлганини эътироф этди. Германия канцлери Герхард Шрёдер ва мудофаа вазири Йошка Фишер эса янги Бош қотибга ишонч билдириб, унга табрик мактуби йўлади. Шунингдек, Ж.Робертсоннинг ушбу лавозимга муносиблигини бошқа мамлакатлар раҳбарлари ҳам эътироф этди.

Янги лавозимга тайинланганини эшитиб, Ж.Робертсон Лондонда матбуот анжумани ўтказди. Косовода қафолатланган тинчлик ва барқарорликни қарор топтириш ҳамда альянс сафини Шарқий Европа мамлакатлари ҳисобига кенгайтириш НАТОнинг XXI арсадаги энг муҳим вазифалари ҳисобланади, деди у анжуманда.

Равшан МАХМУДОВ, ЎЗА шарҳловчиси.

Касаба уюшма ҳаёти: ижтимоий сугурта бадалларидан фойдаланиш

1999 йил ижтимоий сугурта бюджети бўйича санаторий-курортларда даволаниш ва дам олишни ташкил этиш мақсадларига 3 миллиард 751 миллион сўм, санаторий-профилакторий учун 1 миллиард 385455 сўм, болаларни соғломлаштириш оромгоҳлари учун 1 миллиард 69532 сўм режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 284-моддасига биноан ижтимоий сугурта маблағлари белгиланган тартибда санаторий-курортларда даволаниш ва меҳнаткашлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ишларига сарфланади. Ҳўш, бу иш Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашида қандай ташкил этилмоқда. Мухбиримиз БУДИР ПУЛАТОВ икки фоизли ижтимоий сугурта маблағларидан фойдаланиш юзасидан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ижтимоий сугурта бўлими мудирининг ўринбосари Римма ВЕРЕСИГАНАга бир неча саволлар билан мурожаат этди.

БЕПУЛ ВА ИМТИЁЗЛИ ЙЎЛЛАНМАЛАР

Санаторий-курорт ишлари ҳақида сўзлаб берсангиз?

Касаба уюшмалари серкүб республикамизнинг табиати энг гўзал жойларида, тоғлар этагида, ўрмонзорлар бағрида, дарёлар соҳилида дам олиш учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган кўплаб соғломлаштириш масканларига эга. Ҳамма санаторийларда табиий шифобахш омиллар, яъни минералли сувлар, шифобахш балчиқлар, ҳаво ва сув ҳаззалари, шакли ўзгаририлган физик омиллардан фойдаланилади. Санаторийларимизда минерал сувларнинг ҳамма хилларини ўз ичига олган бой гидроминерал ресурслар аниқланган. Масалан, «Чимё» санаторийсида «Мацеста» суви хилдаги водород сульфидли сув, «Чортоқ» санаторийсида йод ва бром микдори юқори бўлган йод-бромли сув, «Чинобод», «Турон», «Бўстон», «Ботаника», «Ситораи Мохи Хоса», «Косонсой» санаторийларида Саки, Евпатория,

даки, 60 фоиздан кўпроқ йўлланмалар ишчилар, студентлар, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, байналмилалчи жангчиларга берилган. 65 мингга йўлланманинг 11 мингга яқини бепул тарқатилган, қолган йўлланмалар имтиёзли сотилган.

Ана шу рақамларнинг ўзи касаба уюшмалари са-

наторий-курортларида меҳнаткашлар кўпроқ дам олаётганлигини кўрсатиб турибди.

1999 йилда санаторий йўлланмаларининг ўртача баҳоси 39 минг 171 сўмга тўри келмоқда. Меҳнат-нормли санаторийда Петигорск типидagi родонли сувлар бор. Улар бир курс даводан сўнг эртақлардаги каби инсон жисмини турли касалликлардан фориқ қилиб, танага соғлом руҳ бағишлайди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳузурдаги Курортлар бошқармаси ихтиёрида 3842 ўринга эга бўлган 17 та санаторий ва 658 ўринли учта дам олиш уйи доимо меҳнаткашлар хизматида мунтазир. Уларга йўлланмалар худудий касаба уюшмалари кенгашлари билан ҳар йили тузилдирилган шартномадор орқали сотилади. Шартнома эса мазкур ташкилотларнинг молиявий имкониятлари ва ходимларнинг эҳтиёжларига қараб тузилади.

Йўлланмаларни тақсимлаш ва тарқатиш билан эса бошланғич касаба уюшма ташкилотлари шуғулланидлар. 1998 йил маълумотлари таҳлили шуни кўрсатмоқ-

дир, санаторий-профилакторийлар ўз вазифасини бажара олаётми? - Менимча бозор иқтисодиёти шароитида санаторий-профилакторийлар корхона, ташкилот ишчи-хотинларига гўят зарур хизматлар кўрсатмоқда. Меҳнаткаш сийҳатдода, корхонада ишлаб туриб ва меҳнат таштили вақтида даволаниши мумкин. Демак, сарф-харажат қилиб узокқа боришга ҳожат қолмайди.

Конун-қондаги мувофиқ санаторий-профилакторийда овқатланиш, даволаш, маданий хизмат, қисман маъмурий-ҳўжалик ва тиббиёт ходимлари иш ҳақи ижтимоий сугурта маблағлари ҳисобидан тўланади.

Санаторий-профилакторийлар ҳўжалик харажатлари, жиҳозлаш, асбоб-ускуналар билан таъминлаш корхона зиммасига юкланган.

1998 йилда йўлланмаларнинг ўртача баҳоси ижтимоий сугурта ҳисобидан 5625 сўми ташкил этди. 1999 йилда ҳозирги ҳисоб-китобларга қараганда 9

лион сўм сарфланди. Бу харажатларнинг эллик фоизга яқинини, яъни 800 миллион сўмдан кўпрогини ижтимоий сугурта бадаллари ташкил этди.

1999 йилда 1232 та болаларни соғломлаштириш оромгоҳлари очилган бўлса, унга касаба уюшма бюджетидан 2 миллион 140 минг сўм сарф-харажат мўлжалланди. Унинг 50 фоизини, яъни 1 миллиард 70 миллион сўми ижтимоий сугурта маблағлари ташкил қилади. Йўлланмалар умумий сонининг 50 фоизи бепул берилади, қолган 50 фоизи қўйиматининг 10 фоизининга отаналар тўлайдилар.

Сўхбатимизда жисмоний тарбия ва спорт мавзунини ҳам қамраб олсак.

Касаба уюшмалари ижтимоий сугурта маблағлари ҳисобидан республика бўйича 120 дан кўпроқ болалар-ўсмирлар спорт мактабларини ўз қарамоғларига олганлар. 1998 йилда бу мақсадларга ижтимоий сугурта маблағларидан 206,8 миллион сўм сарфланди. Касаба уюшмалари ташкилотлари болалар спорт мактабларида 55 минг нафардан кўп ўғил-қиз шуғулланмоқда. Ижтимоий сугурта маблағлари тренерлар ўқитувчилар таркибига иш ҳақи учун ва ҳар бир мактабга ўқув-спорт ишлари, жиҳозлар сотиб олиш, спорт биноларини ижарага олиш учун сарфланмоқда.

1999 йилда ижтимоий сугурта маблағлари ҳисобидан болалар-ўсмирлар спорт мактаблари учун 353 миллион сўм ажратилиш кўзда тутилган. Биз бор имкониятларни ишга солиб бу микдорнинг касба уюшмалари бюджетига тўла-тўқис тушишига ва бу маблағларда тежаб-тергаб ҳамда самарали ишлатилишига эришишимиз даркор.

Ийгилиш иштирокчилари баъзи мактабларда таълим-тарбия ишлари бў-

Огоҳ бўлайлик!

ЎҚИТУВЧИ «ҲИЗБУТ-ТАҲРИР» ТАЪСИРИДА

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кўмитаси раёсатида Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мубори саволларига жавоблари, ундан келиб чиқадиган долзарб ва зифаларни барча вилоятлардаги таълим, фан ходимлари касаба уюшмалари йиғилишларида атрофлича ўрганиб чиқиш, бебаҳо ишга муносиб ҳисса қўйиш юзасидан қарор қабул қилган эди. Айни кунларда жойларда шундай йиғилишлар бўлиб ўтмоқда. Қуйидаги мақола Ҳоразм вилоятининг олинди.

Ўзбекистон бекиёс имкониятлар, бойликлар мамлаката. Мустақиллик шарофати ила қарий саккиз йил мобайнида эришилган ўн йилликларга татигулик муваффақиятлар кўпни қувонтирди. Бироқ ютуқларимизни, осуда ҳаётимизни, кишиларимиз ўртасидаги меҳр-оқибатни қўрқолмаётганлар йўқ эмас экан. 16 феврал воқеалари бунинг исботидир. Ачинарлиси шуки, Ватанимиз пойтахти - Тошкентда амалга оширилган қўрувчилик ҳаракатларида пулга сотилган, шу заминда воғга етган эътиқодсиз, нонқўр кимсалар ҳам бор. Халқимиз бундайларнинг ёвузликларини қаттиқ қоралаб, одил суд ҳукмини яқдил маъқулламакдлар.

Мустақиллик бу курашдир, - дея таъкидлади таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кўмитаси раиси Майра Абдурахмонова. - Уни асраб-авайлаш учун Президентимиз таъкидлаётганларидек, ҳар он огоҳ бўлишимиз даркор.

Ийгилиш иштирокчилари баъзи мактабларда таълим-тарбия ишлари бў-

шаштириб юборилганлиги, айрим ўқитувчиларнинг маънавий қиёфаси эътирозларга сабаб бўлаётганлигини рўй-роҳ эътироф этдилар. «Ҳисбут-таҳрир» оқими ёшларимиз онгини захарламоқда, уларни жиноят йўлига бошламоқда. Минг афсуски, шу оқим таъсирига тушганлар орасида эътироз ҳам борлиги кечириб бўлмас ҳолдир. Масалан, Хива туманидаги 8-мактаб география ўқитувчиси Зафар Худойбергенов, 12-мактаб муаллими Олтибой Қурбонов, Урганчдаги 3-гимназия жисмоний-тарбия ўқитувчиси Собир Оллоёвлар ярама оқим таъсирига тушиб ёшлар дунёқарашини бузишга ҳаракат қилиб келганлар. Ахир бу не ҳол? Ёшлар тақдирини кимларга ишониб топшириб қўйилди? Буларнинг ҳаммаси ҳали баъзи кимсалар фағлат уйқусидан уйғонмаганлигини, мен сенга тегмай, сен менга тегма, қабилидаги ҳаёт давом этаётганлигини кўрсатади.

Йиғилишда илм масканларида, аҳоли ўртасида миллий гўя ва миллий мафкурали ривожлантирадиган, ёшларни ватанпарварлик, аънаналарга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган тадбирларни илчил амалга ошириш лозимлиги ўқитрилди. Касаба уюшмалари энг оммавий ташкилотдир. Улар бу муҳим ишда ўз сўзларини айтишлари керак.

Урганч давлат университети доценти О.Абдуллаев, Урганч шаҳридаги 25-ўрта мактаб касаба уюшма кўмитаси раиси О.Юсупов, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кўмитаси масъул ходими, фансарафлари доктори Т.Тошломов ва бошқалар зиёдилар, ёшларни ақдапарастлар таъсиридан ҳимоя қилиш, осуда ҳаётимизга раҳна солишга уринаётган ёвузларга қарши муросасиз курашга қақирдилар.

Шихназар АҲМЕДОВ.



Ш.АКРОМОВ олган суратлар

Меҳнат муҳофазаси

Ислохотлар инсон манфаатига хизмат қилиши керак. Чунки жамият моддий бойликларини инсон ўз меҳнати билан яратлади. Шунинг учун ҳам у кун сайин яхшироқ яшашга ва дурустрок шароитда ишлашга ҳақлидир. Мана шу борадаги барча тадбирлар инсонни, унинг меҳнатини қадрлашнинг ибтидосидир. Меҳнатни муҳофазаси қилиш эса бу тадбирлардан биридир.

Кейинги вақтларда агросаноат тизимидаги корхоналарда меҳнатни муҳофазаси қилиш ва техника хавфсизлигини таъминлаш масалаларида анчагина ижобий ўзгаришларга эришилди, дейди Самарқанд вилояти агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма кўмитаси раиси И.Усмонов. -Жумладан, асарият корхоналарида иш жойлари санитар-техник талабларга мослаштирилмоқда. Ювиниш, дам олиш хоналари ишлаб турибди. Зарарли шароитлар-

муҳофазасига оид қонун талабларини қўпол равишда бузганлиги учун Булунгур туманидаги «Ўзбекистон», Пойарик туманидаги «Туркистон» жамоа ҳўжалиқларининг техника хавфсизлиги муҳандислари Ш.Шуқуров, Э.Уроқов ўз лавозимларидан озод этилди. ЎЗБАТ қўшма корхонасининг масъул мутасадди ходимлари Э.Ходиева, Н.Филькинларга жарима солинди.

Мазкур тадбирларнинг натижаси ўларок 1998 йилда ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар сони кескин камайди. Афсуски, меҳнаткашларнинг иш жараёнида шикастланишига бутунлай барҳам берилмапти. Утган йили Челақ туманидаги Н.Азимов номили, Иштихон туманидаги Э.Қорабоев номили, Пастдаргомдаги А.Темур номили, Пахтачидаги «Зиёвуддин», Нуробод туманидаги «Улус» жамоа ҳўжалиқларида содир бўлган ҳодисалар фожеа билан тугади. Бундан ташқари жароҳат олиш натижасида тармоқ бўйича 1269 иш кўни йўқотилган. Етказилган



Касалхонага ярим кечада оғир беморни келтиришди. Шифокорлар зудлик билан уни шиддатли даволаш хонасига жойлаштиришди. Доцент Шўхрат Назаров, бўлим мудири Акмал Бобохонов ҳамда қўли энгил шифокор Абдулла Абдуҳакимовлар ташхис ўтказиб, зудлик билан операция қилиш лозим, деган ҳулосага келишди. Операция икки ярим соат давом этди. Жарроҳларнинг юқори маалаклилиги, ўз касбининг чинакам устаси эканликлари шарофати билан бемор ҳаё-

ЖОНГА-ЖОН ШИФОКОРЛАР

ти сақлаб қолинди. Саккиз фарзадининг онаси Баҳринисо Тўлаганова соғ-саломат кадрдон оиласига, уни зориқ кутаётган нуридийларни ёнига қайтадиган бўлди. Тошкент шаҳридаги Ибн Сино номили биринчи клиник касалхонасининг жарроҳлик бўлими ходимлари фаолятидан кўпчилик мамун. Замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган

ру-муҳаббатига сазовор бўлмакдлар.

Суратларда: 1. Хамшира М.Самикова доцент Ш.Назаров, бўлим мудири А. Бобохонов, даволовчи шифокор А.Абдуҳакимовлар ўзаро фикрлашишмоқда. 2. Бўлим мудири Р.Нурхўжаев, ҳамшира З.Илёсова, шифокор Л.Абдуҳакимов даволаш жараёнида.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ТАН ЖАРОҲАТИ унинг сабаблари ва сабоқлари

да ишловчилар махсус кийим-бош, ҳимоя воситалари, махсус озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланапти. Тармоқ бўйича ана шу мақсадларга ўтган йили 150 миллион сўмдан кўпроқ маблағ ажратилган. Бу 1997 йилдагига нисбатан икки баробар кўпдир. Вилоят, туман тармоқ касаба уюшма кўмиталарида бошланғич ташкилотлар мазкур масалаларга жиддий эътибор беришаётгани меҳнатни муҳофазаси қилиш, техника хавфсизлигини таъминлаш тадбирлари сифатига самарали таъсир қилмоқда.

Дарҳақиқат шундай. Жойларда меҳнатни муҳофазаси қилиш ишларининг аҳоли вилоят тармоқ касаба уюшма кўмитасининг раёсат мажлисларида доимий равишда таҳлил қилиниб, нуқсонларни бартараф этиш чоралари кўрилкоқда. Бундан ташқари вилоят касаба уюшма кўмитасининг ташаббуси билан вилоят қиллоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси билан ҳамкорликда раҳбар ва мутахассисларнинг махсус ўқувлари уюштирилди. Иш шароитларини яхшилаш, меҳнатни муҳофазаси қилишга доир таъсиялар берилди.

Бундан ташқари жойлардаги ҳақиқий аҳволни ўрганиш ва назорат қилиш, ноҳушликларнинг олдини олиш мақсадида йил давомида юзлаб корхоналарда режа асосида текширувлар ўтказилди. Шу жараёнда мавжуд нуқсонларни бартараф этишга эришилди, дейди вилоят агросаноат мажмуи касаба уюшма кўмитасининг меҳнат-техника назорати бўлими мудири С.Бобомуродов. - Масалан, талабга жавоб бермаганлиги учун Челақ туманидаги Н.Азимов номили жамоа ҳўжалиқининг «Митанпахта» ҳиссадорлик жамиятининг айрим ишлаб чиқариш бўлимлари фаоляти тўхтаб қўйилди. Меҳнат

моддий ва маънавий зарар ҳақида сўз юритиш янаям оғирроқ.

Ҳўш, нега аҳвол ханузгача ташвишланарли бўлиб қўлмоқда? Корхона ва ҳўжалиқ раҳбар мутасаддилари ҳам, ҳатто касаба уюшма етакчилари ҳам маблағ етишмаётганини рўқач қилишди. Ҳолбуки, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексига ва Меҳнатни муҳофазаси қилиш тўғрисидаги қонунда иш берувчининг бу борадаги мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилган. Очигини айтганда бўлсак, вилоят агросаноат тизимидаги ҳўжалиқларнинг қарийб ярмида, иш ташкилотларининг 35 фоизиди меҳнатни муҳофазаси қилиш муҳандиси лавозими мавжуд эмас. Бу вазифа бошқа мутахассислар зиммасига юклатиб қўйилган. Қисқаси, қонун ижросини таъминлаб, ишловчилар сони 50 фоиздан ошган барча корхоналарда меҳнатни муҳофазаси қилиш муҳандиси лавозими тиклаш ва бу лавозимга фидойи мутахассисларни тайинлаш зарур. Шу вазифа тўлиқ бажарилмагунча меҳнат муҳофазаси тадбирлари ўлда-жўлда қоллаверади. Фикримизни қуйидаги ҳолат асослайди. Каттақўрғон туманидаги «Мойбулоқ», «Андоқ», «Кўшқовуз», Гузалкент туманидаги А.Қодирий, А.Темур номили, Пахтачи туманидаги «Наврўз», «Қарнабот» ҳўжалиқларида меҳнатни муҳофазаси қилиш мақсадларига бир тийин ҳам маблағ сарфланмаган. Бундан хулоса шуки, баъзи раҳбарлар инсон меҳнатини лозим даражада қадрлашмайди, касаба уюшма ташкилотлари эса муросасозлик қилишяпти. Ҳолбуки, жамият раванки, ислохотлар самараси қонун устуворлигидан, инсонни қадрлашдан бошланади.

Рустам ҚУРБОН, «Ишонч» муҳбири.



Германия

OLAMDA NIMA GAP

А Б У - Д А Б И. Яман пойтахтида 4 август кўни Боб-ул-Яман шаҳар бозорига граната портлатган жиноятчи ҳибсга олинди. Маҳаллий полиция ходимларининг таъкидлашича, граната портлаш билан оқотишма содир бўлган. Натижада 4 киши ҳаётдан қўз юмган, 40 киши яраланган. Айни пайтда мазкур жиноят юзасидан тергов ишлари олиб бо-

рилмоқда.

МЕХИКО. Гватемала иқтисодиёт вазирини Хуан Хосе Серра кутилмаганда истрефо берди. Бунга унинг мамлакат Президентини Алваро Арсунинг навбатдаги иқтисодий қарорига қарши қилиши сабаб бўлди. Гватемалада нашр этиладиган «Пренса либре» газетасининг ёзишича, Х.Серра А.Арсунинг импорт қилинаётган сут маҳсулотларига бож солиқлари-

ни 15 фоиздан 40 фоизга охириши тўғрисидаги қарорига эътироз билдирган.

Шундай қилиб, А.Арсун бошқаруви мобайнида мамлакатнинг иқтисодий иқтисодиёт вазирини истрефо берди. Биринчи вазир Маурисио Вурмесер мамлакат Президентининг импорти соҳасидаги сийсатига қарши чиққан бўлса, кейингиси Педро Лампорт А.Арсунинг бюджет харажатларини ошириш тўғри-

сидаги таклифни парламентада тақдим қилишга норозилик билдирган.

С Е У Л. Жанубий Корейда бир неча кундан бўён кучли ёмғир ёғмоқда. Сўнгги хабарларга қараганда, юз берган тошқин натижасида 20 киши ҳалок бўлган, 25 киши эса бедарак йўқолган. Шунингдек, 7 минг уй-жой яроқсиз ҳолга келган ва 20 минг гектар экин майдони сув остида қолган.

Оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарга қараганда, айни пайтда Жанубий Корея ҳукумати табиий офатдан зарар кўрганларга, автомобил йўллари ва иқтисодий аҳамиятга эга иншоотларни тиклашга ёрдам бериш учун 785 миллион уон (бир АКШ доллари 1200 уонга тенг) ажратишга қарор қабул қилди.

ДЕХЛИ. Тамил айирмачиларининг навбатдаги қўрувчилиги натижасида Шри-Ланканинг ўн уч нафар сараланган махсус ҳарбийси ва бир фуқаро ҳалок бўлди.

ПАТА-ТАСС ахборот мажмуаси тарқатган хабарга қараганда, қонли воқеа Шри-Ланка шимолидаги Вилпанкул шаҳрида жойлашган маҳаллий хавфсизлик органи қароргоҳи яқинида содир бўлган. Маълум бўлишича, «Тамил Илама» озолиди йўлбарслари» айирмачи гуруҳига мансуб жангари-қамикдазе аёл велосипедда ичиди

махсус ҳарбийлар бўлган юк машинаси ёнига бориб, ўз танасига ўрнатилган бомбани портлатган.

Н Ё У - Й О Р К. БМТнинг қочқинлар иши бўйича Олий комиссари бошқармаси яқин кунларда Афғонистон қочқинларига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш мўлжалланаётганини билдирди. Бу ҳақда БМТ бош қотибининг расмий вакили Фред Экхард маълум қилди.

Сўнгги пайтларда Афғонистон пойтахтининг шимолида ва Пайтда Жанубий Корея ҳукумати табиий офатдан зарар кўрганларга, автомобил йўллари ва иқтисодий аҳамиятга эга иншоотларни тиклашга ёрдам бериш учун 785 миллион уон (бир АКШ доллари 1200 уонга тенг) ажратишга қарор қабул қилди.

Фред Экхарднинг таъкидлашича, Афғонистон энг нотинч, узок йиллардан бўён «оловли нукта» сифатида қайд қилинаётган мамлакат ҳисобланади. Бу ҳол ўзга муаммолардан ташқари, қочқинлар сонининг кўпайишига ҳам олиб келмоқда. Масалан, ҳозир Эрон худудидида тахминан 2,1 миллион ва Покстонда 1,6 миллион нафар афғонистонлик қочқин бор.

(ЎЗА)

«ИШОНЧ»

ТАНЛОВИГА

МУДОМ БОЛАСИДА ХАЁЛИ БОШИНИҲ БАЛАНД КЎТАР

Баъзан кипригида инжу ёш кўрдим, Нафис елкасида тоғ бардош кўрдим, Товонига ботган чағир тош кўрдим, Кўёшдан олинган хусну жамоли, О, ўзбек аёли, ўзбек аёли.

Қадамга йўллар равона бўлмай, Уни севган ошиқ девона бўлмай, Ҳар кунга юраги остона бўлмай, Сахардай бокира унинг висоли, О, ўзбек аёли, ўзбек аёли.

Далани уйғотган дала-армоним, Осмонга талпинган ўзи-осмоним, Ҳеч тиним билмаган саргайган жоним, Мудом даласида қолган ҳаёли, О, ўзбек аёли, ўзбек аёли.

Кўёшга талпинган сирли боғимсиз, Кимсасиз юракда қолган оҳимсиз, Гуноҳкор дунёда бегуноҳимсиз, Мудом рўзғорида бўлган ҳаёли, О, ўзбек аёли, ўзбек аёли.

Қақраган сахронинг булоғи сизда, Азобу шодлиқнинг сўроғи сизда, Жаннат дарахтининг титроғи сизда, Мудом боласида бўлган ҳаёли О, ўзбек аёли, ўзбек аёли.

Ойни аллалайсан, ухламайди ой, Олис-олисларда мудрайди тоғлар. Тунлар юрагининг гўшангасида Янги келинчақдай йиғлайди доғлар.

Таъна тошларидан қаварган кўксинг, Силкиниб-силкиниб тўшакка ботар. Фамнинг ёстиғига бошингни кўйиб, Ухламай чиқасан, яна тонг отар.

Биласан, бу тонг ҳам сенга бахт эмас, Кўнгилсиз, бир кунни қилади тортиқ. Бунчалар дилбарсан, эй ёлғиз аёл, Кимнидир севасан жонингдан ортиқ.

Пана-паналарда дўстларинг сотди, Сотди сендан бўса олган ўша лаб. Ҳаммасин сездинг, сезмасдан ўтдинг, Аламинг сипқординг сувдай ҳовучлаб.

Сен ҳаммадан гўзал, ҳаммадан поксан, Маъсума кечалар адашган ҳаёл. Дўсту душманларинг ҳайрон қолдириб, Бошинг баланд кўтар, эй ёлғиз Аёл.

Дилмурод ҚОСИМ.

Ҳар тўғрида

СЎЗ ТАГИДА СЎЗ БОР

Хитойлар шакарга тош асал деб ном беришган эди. Мисрликлар эса уни бошқачароқ - хинд тузи деб аташди. Ўзбекча «шакар» сўзи ва унинг бошқа тиллардаги шакллари келиб чиқиш жиҳатидан қадимги хиндча «сахара»(шакар) деган сўзга бориб тақалади.

Демак, бундан чиқадиган хулоса шуки, қанднинг, аниқроғи, шакарқамишининг асл ватани аслида Ҳиндистон бўлган.

Шакарнинг ширинлиги аслида нимага боғлиқ? Унинг ширин бўлишига молекуласида глюкофор ва ауксогюкон деган моддалар мавжудлиги сабабидир.

«Глюкофор» юнонча сўз бўлиб, «ширинлик тарқатувчи» деган маънони билдиради.

ЖЎҒРОФИЙ ХАРИТАЛАР

Жўғрофий хариталарнинг яратилишида иккинчи асрнинг биринчи ярмида яшаган таникли юнон олими Птоломей катта ҳисса қўшди. У 90дан ортиқ харита тузди ва шу тариқа бизгача етиб келган жўғрофий хариталарнинг энг биринчи тўпламини яратди.

Жўғрофия, картография ва геодезия соҳасининг улкан билимдони Беруний Шарқда биринчи бўлиб глобус ясади, ўзи мустақил равишда ер меридиани айланасининг узунлигини ҳисоблаб чиқди ва «Ат-тафҳим» китобига ўзига хос доиравий дунё харитасини илова қилди.

XIII аср охири ва XIV аср бошларида савдо-сотик, кемачилиқнинг авж олиши очик махсус навигация хариталарини яратишга туртки бўлди.

XV-XVI асрлардаги буюк жўғрофий кашфиётлар туфайли харитага бўлган эҳтиёж ва муносабат тубдан ўзгарди, хариталар янги маълумотлар билан бойиди: китъа, орол, денгиз чегараларига аниқликлар киритилди.

XVI асрда жўғрофий хариталар махсус ихтисослашган хусусий корхоналар томонидан чиқарила бошланди. Бундай корхоналар дастлаб Италиянинг Венеция, Флоренция каби йирик шаҳарларида вужудга келди.

А.АЛИЕВ тайёрлади.



Тоғлар чорлайди

Ш.АКРОМОВ олган сурат

«МАЪНАВИЯТ САБОҚЛАРИ» ТУРКУМИДА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ислохотлар ўз ижобий натижаларини бермоқда, Ўзбекистон Маърифатпарварлар жамиятининг тузилиши ҳам нур устига аъло нур бўлди.

Халқ ва миллат эрки раванки йўлида фидойиларча жонбозлик кўрсатган маърифатпарварлар аждодлари илғор таъминоти давом эттиришдек улуг вазифани ўз олдига мақсад қилиб қўйган бу жамият фаолиятини жонлантириб юборди.

Ўзбекистон маърифатпарварлар жамиятининг Низоми ҳам ишлаб чиқилди ва матбуотда эълон қилинди. Ушбу муҳим ҳужжатда жамиятнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Маърифий ишларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида «Маҳалла», «Қамолот», «Нуроний» каби жамоат ташкилотлари билан режалар ҳамкорликда иш тутиб, оммабоп нашрларни кўплаб чоп этишга киришади.

Жамият «Маърифий сабоқлар» деган руҳни остида туркум рисола-ларни босмага тайёрлаш тadbирларини кўрмоқда. Бунинг учун у «Маънавият» ва бошқа нашриётлар билан ҳамкорликда иш тутиб, оммабоп нашрларни кўплаб чоп этишга киришади.



Ўзбек кинеси ва аёллар. «Соёбонли арава»да (1927 йил) рол ўйнаган жажжигина киз О.Туманбоевнинг истеъдодига Наби Ганиевнинг талабчан санъаткор, ёшларнинг доно мураббийси юксак баҳо берган бўлса, 90 йилларга келиб кино расмони Зебо Носирова чизган либосларнинг эскизлари жамоатчилик диққатини тортди. Уларнинг бири ишқ ўтидан ёнган, висол онларига етишиш учун молу-мулк, тўқ ҳаётдан воз кечган мард киз Ойжамоли образини яратган бўлса, иккинчиси буюк Темур даври либосларини, уларнинг рангини, тикилишини чуқур ўрганиб, чолон ва кўйлак, камчи ва пойфазалли буюмларни ижод этди. Минглаб сарбозлар, юзлаб сарой ахли, ўйнаб соҳибкирон умматлари, истеъдодли лашкарбоши ва узокни кўраблган шох шу либосларда намён бўлдилар.




Бу мавзуга рисолалар битса арзийди. Маданият, фан арбоблари бўлмиш ўзбек аёллари гоҳ муаллиф (масалан, Зулфия, Холида Ахорова, Розика Мерганбоева, Асал Аббосова), гоҳ режиссёр (масалан Қамара Комолова, Ноила Отакулова, Дилором Каримова, Румия Шарипжонова, Раъно Кубаева), гоҳ монтажёр (масалан Хосилот Умарова, Раҳбар Ҳамроева, Адиба Бўрибоева), гоҳ раққоса (Мукаррама Турғун-

1999 йил - Аёллар йили

боева, Розия Каримова, Гулнора Мадаева, Севилия Тангуриева...), гоҳ хонанда (Шаҳодат Раҳимова, Этибор Жалилова, Саодат, Қобулова, Луиза Зокирова, Матлуба Дадабоева...) сифатида ижод этиб, баркамол кино асарлари яратилиши учун ўз ҳиссаларини қўшганлар. Ҳозир ҳам шундай. Аиниқса ўзбек хотин-қизларининг ранг-баранг

Мирзамухамедова...) ҳам хизмат қилиб келаётганларини бугун мамнуният ила таъкидлаيمиз. Бу хизмат ўзгача эканлигини, ўзига хошлигини, нозик ва самарали эканлигини биламиз. Зеро аёлларимизнинг кўринишларидан тортиб кундалик меҳнатлари самараси бўлмиш эскизлар ва сценарийлар, экрандаги ёрқин



Нозик табиатларини намойиш этадилар, очик чеҳра ила, мустақил иш кўрадилар. Бирлари оқил сўзи, чиройи, иккинчилари, ақл-заковати ила, учинчилари, ҳис-ҳаяжони билан кинотасмасини безайдилар. Улар эл кўзида ҳеч қачон ўз нафосатларини, латофатларини йўқотмайдилар.

Ҳамидулла АКБАРОВ.



ЭКРАНИМИЗ ХИЗМАТИДАГИ МАЛИКАЛАР

образларини яратишда фақат кино актёрлари (масалан, Тамара Шокирова, Дилором Қамбарова, Дилором Эгамбердиева, Лида Юнусова...)гина эмас раққосалар, хонандалар, балетмейстерлар (Халима Носирова, Клара Жалилова, Клара Юнусова, Оқиловалар сулоласи, Юлдуз Усмонова, Қизлархон Дўстмухамедова, Малика Аҳмедова, Дилафруз Жабборова, Шахризода Дилмурод қизи...), кўндан кўп хаваскорлар (улар орасида Зухра ролини ўйнаган Юлдуз Ризаеванинг хизматларини алоҳида қайд этиб ўтардик), театр ижрочилари (уларнинг сони кўп), цирк усталари, мунаққидлар (Саодат Хўжаева, Махсура

нинг янги даврида болажон, севикли ёр, иродаси кучли ўзбек аёлининг образи (масалан, Ҳайридин Султонов ва Собир Назармухамедовнинг «Ёлғиз ёдгорим» фильмининг эсланг!) намён бўлди. Амир Темурга бағишланган йирик кинополотнода эса илк бор Бибиҳоним образи, Абдулла Қодирий асарлари асосида пайдо бўлган кино ва ТВ асарларида эса Зайнаб (арт. Лола Элтоева), Раъно (арт. Дилдора Рустамова), Ўзбек олим (арт. Сайрам Исаева) янгиҳа талкин этилди...

Кинога хизмат қиладиган аёлларни маликалар дедик. Аслида ҳам улар ижод дақиқаларида маликалардек эркин фикр юритадилар.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Жазоирдаги қўллардан бирига иккита дарё куйилади. Шу дарёлардан бирининг суви темир тузларга тўйинган, иккинчи дарё эса торф ботқокларидан оқиб ўтади. Иккала дарё сувининг қўшилишидан сиёҳ ҳосил бўлади.

Сиёҳ - сувда бирон мавжудот яшамайди. Унга перо ботириб бемалол ёзаверса бўлади. Енисей жами дарёлар қуядиган сувнинг 64 дан бир қисмини, Волга дарёси суви бўлмиш Амазонка суви эса 12дан бир қисмини ташкил этади.

АҚШдаги Огайо дарёсининг ирмоғи бўлган Грин-Ривер ҳавзасида жойлашган гор дунёдаги энг катта гор бўлиб, ичидидаги йўлнинг умумий узунлиги 240 километр-дир.

Анд тоғлари этагида жойлашган Вилькабамба қишлоғида қадим замонлардан бери чақалокни чуқинтириш маросимини унинг туғилган йили, ойи ва куни черковда қайд қилиниб борилади. Узок умр кўрган кексалар ёши ана шу қайдномалар ёрдамида аниқланади.

Баъзи ҳолларда эса узок умр кўраётган кишининг ёшини унинг дўстлари, қариндош-уруғларининг шохидлиғига қараб аниқлаш мумкин.

40 минг киши яшайдиган Абхазиянинг Хунзада қишлоғида туғилганлар йилини аниқлаш ниҳоятда оғир бўлди. Бу ерда ёзув бўлмагани сабабли кишининг туғилган йили ҳам қайд этиб борилмади. Фақат баъзи ҳоллардагина, Хунза амири мамлакат тарихига оид шахсий маълумотларга асосланиб, у ёки бу одамнинг ёшини тасдиқлаб беради.

Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси, педагогик ходимлар малакасини ошириш институти маъмурияти ва жамоаси, таълим ва фан ходимлари қасаба уюмаси вилоят кўмитаси, педагогик ходимлар малакасини ошириш институтининг проректори Виталина Эргашева Бо-божонова падари бузруквори

ЭРГАШ ОТА МУҲАМЕДОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изхор қилади.

Ёз ўтмоқда соз БОЛАЛАР ЮЗИДА ТАБАССУМ

«Ўзқабель» давлат акционерлик жамиятига қарашли «Зилола» болалар оромгоҳи Бўстонлик туманидаги Хондайлик қишлоғининг хушманзара ҳудудида жойлашган. Бу ерда болаларнинг хордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

— Ушбу масканда, дейди акционерлик жамияти қасаба уюшма кўмитаси раиси Бахтиёр Хамидов, асосан корхонамиз ишчи-хизматчиларининг фарзандлари дам оладилар. Бундан ташқари ёз мавсумида Қорақалпоғистондан 170 нафар болалар хордиқ чиқарадилар.

— Оромгоҳда ҳар бир куннинг

сермазмун ўтишига астойдил ҳаракат қилинмоқда. Болаларга турли тўгараклар, қизиқарли ўйинлар ташкил қилинган. Ҳар йилгидек бу йил ҳам ташкил қилинган тadbирлар ажойиб ва қизиқарли ўтмоқда. Жумладан, «Кўн-ноқ стартлар», «Зилола маликаси», «Саҳналаштирилган эртақлар», дискотекалар ва бошқа танловларнинг нафи катта бўлапти. Яқинда ушбу масканда Республика кўғирчоқ театри, Ёш томошабинлар театри, «Ўзбекнаво» санъаткорлари ижодий меҳмон бўлиб ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Усмон УСМОНОВ.

Янги турдаги ўқув юртлари орасида академик лицейлар алоҳида ўрин тутди. Янги 1999-2000-ўқув йилидан бундай даргоҳлардан бир нечтаси ўз фаолиятини бошлади. Қибрай туманида янги очилган лицейнинг ҳам ўқув-моддий негизини мустақамлаш йўлида кўп иш қилинди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Микробиология илмий текшириш институтилар

Химиянинг Ядрофизика институти эса шу туманнинг Улугбек қўғонидида фаолият кўрсата бошлаган академик лицейни ўз оталиғига олди. Бу ерда физика-математика фанини ўқитиш йўналишида ташкил этиладиган машғулотларнинг мазмуни бўлишида институт олимлари ҳам ҳиссаларини қўшадилар.

Тиббий марказ ташкил этилди

Навоий шаҳар марказий шифохонасида республика тиббий-илмий марказининг вилоят бўлими ташкил этилди. Айни вақтда шу марказнинг моддий-техника базасини мустақамлаш ва мижозларга қулай шароит яратиш учун бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, аҳолига шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш кўникмасини ҳосил қилган малакали мутахассисларни жалб этиш, даволаш, ташкилий-услубий ва санитария-маориф ишларини замонавий даражада ташкил қилиш бўйича керакли йўл-йўриқлар ишлаб чиқилди.

Ҳозир марказга ажратилган бинони таъмирланиб, унинг атрофи ободонлаштириляпти.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғис ҚАЮМОВ

Тахир хайъати:

Ж.Алимуҳжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёкубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб-«Ишонч»), Ч.Латинов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиков.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибят 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маънавият: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмақонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топширилган вақти: — 21.00. Топширилди: 24.00